



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 14 ноябрь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 224 (11.285)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Сирдарё вилояти Бобўят туманида ўтказилган семинар «Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш» масаласига бағишланди.
- Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Ўзбекистон-Бельгия кунлари» мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.
- Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида аҳоли кўлидаги пластик карточкалар сони 250 мингдан ошди. Фақат жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 35 минг киши пластик карточкага эга бўлди, банк терминаллари сони эса 1120 тага етказилди. Бу аҳолининг фойдаланилган электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал тўловларни нақд пулсиз амалга ошириши учун кенг имконият яратмоқда.
- Урганча замонавий ва миллий услублар уйғунлигида қад ростлаган Болалар ижодиёти маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда бадий адабиёт, илмий-техник ижодиёт, экология ҳамда спорт йўналишларидаги 20 дан ортиқ тўғараклар фаолият кўрсатади. Халқ амалий санъати билан қизиқувчи болалар эса марказда зардўзлик, бичиш, тикиш, дурадгорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, кулолчилик, расм ва ҳайкалтарошлик сирларини ўрганадилар.
- Фарғонада ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтаришга бағишланган 5-халқаро анжуман бўлиб ўтди.
- Аҳолига сервис ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Андижон вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси томонидан қурилаётган замонавий мини-маркетлар сони 108 тага етди.
- Фарғона шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 60 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса 871 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда иш таклиф этган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ярмаркада 237 нафар фуқаро муқим иш ўрнига эга бўлди.
- Навоий Кон-металлургия комбинатининг 50 йиллигига бағишланган энгил атлетика бўйича югуриш мусобақаларида турли ёшдаги 600 га яқин зарафшонликлар қатнашиди.

ЖАҲОНДА

- Россия Беларуссияга 2 миллиард доллар миқдорда барқарорлаштирувчи кредит беради. Шу тўғрисида битимни кеча ҳар иккала мамлакат молия вазирлари имзолашди. Таъкидлаш жоизки, ушбу маблағнинг ярмиси жорий йил охиригача топширилади.
- Бутунжаҳон валюта жамғармаси ва Сербия ўртасида ушбу мамлакатни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан келишувга эришилди.
- Германиянинг «BMW» автомобилсозлик компанияси АКШ бозорига дизель ёнилғиси билан ҳаракатланадиган машиналар нархини оширишга қарор қилди. Зеро, «BMW» компанияси экспертларининг айтишича, бугунги кунда Шимолий Америкада дизель ёнилғисининг баҳоси бирмунча арзон. Шу сабабдан мамлакат фуқароларининг шу турдаги ёнилғи билан юрадиган машиналарга талаби ортиб бормоқда.
- Сомалилик қароқчилар Аден кўрфазиде Туркияга тегишли бўлган юк ташувчи кемани гаровга олишди. Маълумотларга қараганда, кемага кимёвий моддалар жойланган бўлиб, у Ҳиндистоннинг Мумбаи шаҳридаги портта томон ҳаракатланаётганди. Айтиш пайтда танкернинг экипаж аъзолари тақдир ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.
- Индонезиянинг Жакарта шаҳрида Германия, Япония ва хитойлик мутахассислар ёрдамида ишлаб чиқилган тўфонлар тўғрисида олдиндан хабар беришчи янги тизим жорий этилди.
- Хитойда Ой сатҳининг юзаси акс этган дастлабки харита пайдо бўлди. У ҳозирги пайтда Ой сайёраси атрофида айланаётган зонд томонидан тайёрланди. Хитойлик олимларнинг сўзларига қараганда, уларнинг хариталари ҳозирги пайтга қадар чоп этилганларнинг орасида энг тўла ва батафсилли ҳисобланади.
- Филиппиннинг Пампанг шаҳрида «Ер қурраси гўзали-2008» халқаро гўзаллик танлови бўлиб ўтди. 22 ёшли филиппинлик сохибжамол Карла Паула Генри танловда голиб чиққан бўлса, иккинчи ўрин бирваракайга Танзания, Мексика ва бразилиялик уч нафар қатнашчига насиб этди. Айтиш кераки, бошқа шу каби танловлардан фарқли равишда ушбу гўзаллик фестивали экологияга бағишланган. Шу сабабдан бош муқофот сохибидан ташқари, танлов давомида ер қурраси ҳавоси, суви ва олови гўзали каби йўналишларда ҳам голиблар аниқланди.
- Кеча Ироқда АН-12 русумли самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида унинг бортида бўлган етти киши ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча Таиландда Осиё қитъасининг энг жозибали байрамларидан бири — Тўлин ой фестивали бошланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар Эндокринология маркази ҳамкорликларида қандли диабет билан оғирган беморлар учун уюштирилган хайрия акцияси ёшлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган матбуот анжумани «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг Конституциявий ҳуқуқий кафолатлари» деб номланди.

● **БУГУН** Миробод туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Баротхўжа маҳалласи ёшлари иштирокида Фафур Фулом номи маданият уйи бадий ҳаваскорлик жамоалари ижросида уюштирилган концерт дастури ёшлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машина-созлар» маҳалласида маҳалла ёшлари иштирокида «Ватанимиз тараққиётининг мустақам пойдевори» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** «Ўзбекистон» сув спорти мажмуасида синхрон сузиш бўйича анъанавий IX халқаро «Сув париси» турнири аяқланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманида туман фаоллари, хотин-қизлар иштирокида ўтказилган тадбирда хотин-қизларнинг ҳамият тараққиётида тугган ўрни ҳамда уларни ёт гоғлар таъсиридан асраш масалалари ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Кўргазмалар

ПОЙТАХТИМИЗДА УЧ КУН ДАВОМИДА «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ ТАШКЕНТ» МЕҲМОНХОНА МАЖМУАСИНИНГ КАТТА КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА БИР ЙЎЛА ИККИТА «PHARM EXPO USBEKISTAN – 2008» ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ФАРМАЦЕВТИКА ҲАМДА «БОЛАЛАР ҲУДУДИ» БЎЛҒУСИ ОНАЛАР, БОЛАЛАР, ЎСМИРЛАР УЧУН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМАЛАРИ ИШ ЮРИТМОҚДА. МАЗКУР КЎРГАЗМАЛАРНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ ZAR EXPO КОМПАНИЯСИДИР.



ИАҒОР ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Болалар фонди, Тошкент шаҳри «Ишбилармон аёллар ва тадбиркорлар» ҳамияти, «Ўзфармсаноат», «Дори-дармон» Давлат акциядорлик компаниялари, чет эл фармацевтика компанияси ва ишлаб чиқарувчилари ассоциациясининг юртимизда фаолият юритаётган ваколатхонаси ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги Савдо ваколатхоналари ушбу тадбирларнинг расмий қўллаб-қувватловчилари ҳисобланади.

Фармацевтика кўргазмасининг аввалгиларидан фарқли ўлароқ, нуфузи янада ошганлигининг гувоҳи бўлди. Дарҳақиқат, юртимизда тўртинчи марта ўтказилаётган халқаро иختисослашган кўргазма доирасида давлатимиз томонидан кейинги йилларда инсон саломатлигига хизмат қилувчи фармацевтика

соҳасида амалга оширилаётган самарали ислохотлар, сайёҳаракатлар, эришилган сўнгги ютуқлар яққол кўзга ташланмоқда.

Павильондан кенг ўрин олган маҳаллий ва хорижий компания, корхона, муассасаларнинг фармацевтика соҳасидаги энг сўнгги ютуқлари — ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлари кўргазмага ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Бўлим ва стендлардан ўрин олган дори-дармонлар ва уларни ишлаб чиқариш жараёни сифатли хом ашёлар; тиббиёт ва гигиеник воситалар; санитария, дезинфекция воситалари; лаборатория ускуна ҳамда замонавий жиҳозлар; тиббий кийимлар барчанин эътиборини тортмоқда.

Айниқса, дори-дармонлар учун махсус жиҳозлар; даволувчи косметика; биологик фаоллаштирувчи ва озиқ-қўшимчалари, табиий соғломлаштирувчи мах-

сулотлар билан танишиш ҳақида ушбу кўргазма қатнашчиларидан тўлиқ қизиқарли маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Соҳанин етакчилари қаторидан жой олган Ҳиндистон, Россия Федерацияси давлатларидан йирик компания, фармацевтик ассоциациялар билан бир қаторда юртимизда самаралар фаолият юритаётган «GM-Элексир» хусусий корхонасидан тортиб, «NOVOPARMA» кўша корхонаси, лаборатория ускуналари ишлаб чиқарувчи «GLOBAL IMPEX, LLC» компанияси; дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Jurabek – laboratoriks LTD» кўша корхоналари маҳсулотлари атрофи доимо кишилар билан гажум бўлмоқда.

Шунингдек, бўлғуси оналар, болалар ва ўсмирлар учун товар, хизматларнинг «Болалик ҳудуди» биринчи халқаро иختисослашган кўргазмаси ҳам ўз мақсад ва вазифаларига кўра

алоҳида аҳамият касб этмоқда. Эътиборли томони, мазкур илк бор ўтказилаётган кўргазма ёшлар йилига бағишлангандир. Кўргазма бўлимларида болалар ва уй мебели, болалар, ҳомиладор аёллар ва ёш болалари оналар учун кийим-кечак, пойабзал ва қўшимча маҳсулотлар; болалар, жумладан, гўдаклар парвариши воситалари ҳамда ускуналар; ётоқхона анжумлари, болалар транспорти ва жиҳозлар намойишга қўйилган.

Сирасини айтганда, кўргазмалар фаолияти маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга соҳадаги сўнгги янгиликлар, янги гоғлар билан танишиш, уларни оммалаштириш, ўзаро таҳриба алмашиш, янги ҳамкорлар топиш, етакчи мутахассислар маслаҳатларидан баҳраманд бўлишга имкон яратди.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазмалардан лавҳалар
Максим Черногаев олган суратлар

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

БЕРЛИНДА «GERMANYA-MARKAZIY OSIY: IKTISODIY ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзаро ахборот алмашиш ва тўғридан-тўғри тадбиркорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда Германия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос дастури вазирасини ўтовчи мазкур халқаро анжуман Германия Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик Федерал вазирлиги (BMZ) томонидан Германия Қўша савдо-саноат палатаси (DINК) ва Германия техник ҳамкорлик ҳамияти (GTZ) кўмагида ташкил этилди.

Бу каби иқтисодий анжуман илк бор 10 йил муқаддам — 1998 йил 5-6 ноябрь кунлари Бонн шаҳрида ўтказилган эди. Бу гагли анжуман ана шундай тадбирларнинг учинчиси бўлди.

Анжумани очар экан, Германия иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик федерал вазири Хайдемари Вичорек-Цойль хоним Германия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик Европа билан Жануби-шарқий Осиё минтақасини боғлаб турувчи бўғин сифатида тобора

муқим аҳамият касб этаётганини қайд этди. «ГФ ҳуқумати мазкур минтақа давлатлари билан ҳамкорликнинг янада фаоллашувидан манфаатдор», деди вазири.

Анжуманда Ўзбекистон ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев сўзга чиқди. Делегация раҳбари минтақада истиқомат қилаётган 60 миллионлик аҳолининг қарийб ярми яшаётган Ўзбекистон Европа билан жануби-шарқий Осиё ўртасидаги транспорт ва телекоммуникация йўлагини эканига иштирокчилар эътиборини қаратди. Таъкидландики, хар томонлама ўйланган ислохотлар ва модернизация жараёни эвазига Ўзбекистон ҳуқумати нафақат иқтисодий барқарорлик, кенг қамровли, тизимли ва институционал ислохотларга, балки иқтисодий эътиборини либераллаштириш ва унинг доимий ўсиб боришига ҳам эришишга муваффақ бўлди.

Бу ўз навбатида, ташки савдо айланишининг мунтазам кенгайиб бориши ва сармоялар қамровининг ўсишига имконият яратди.

Анжуман доирасида халқаро форум иштирокчиларига Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари, инвестор ва ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароитлар, сармоявий фаолиятнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, имтиёзлар кенг акс эттирилган маълумотлар бурчаги ташкил этилди.

Тадбир давомида «Қишлоқ ва озиқ-овқат ҳужалиги», «Инфратузилманин кенгайиши — буортма танлаш таҳрибаси ва лойиҳа устида ишлаш», «Энергия манбаларини янгилаш», «Молиялаштириш усуллари ва кўмаклашув дастурлари» каби мавзуларда иختисослаштирилган анжуманлар бўлиб ўтди.

Иштирокчиларнинг умумий эътирофига кўра, Германиянинг технология имкониятлари ва минтақанин захира салоҳияти савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг ривожланиши учун асос бўлади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Берлин

ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР БАНК

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН, ЖАҲОНДА РЎЙ БЕРАЁТГАН МУРАККАБ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ҲАМ БАРҚАРОР ҲАМДА ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. ЕТАКЧИ РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАР БАНКЛАРИГА БЕРГАН РЕЙТИНГЛАРИНИ ПАСАЙТИРАЁТГАН ЁКИ ҚАТОР ХАЛҚАРО БАНК ИНСТИТУТЛАРИ РЕЙТИНГИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАР ЁМОНЛАШИБ БОРАЁТГАН БИР ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ, АКЦИНЧА, ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банкига навбатдаги халқаро рейтингнинг берилиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, Миллий банк «Standart & Poor's» рейтинг агентлигининг халқаро шкала бўйича узоқ ва қисқа мuddатли рейтингларига сазовор бўлди. Уларни ўзгартириш кўрсаткичи «Барқарор» деб белгиланди.

Миллий банк Ўзбекистонда «Standart & Poor's» рейтингига сазовор бўлган биринчи банк ҳисобланади.

Унинг мамлакатимиз банк бозорига етакчи ўрин тутиши, ишончли ва барқарорлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизнинг йирик банкига «S&P» каби нуфузли агентликнинг халқаро рейтингини берилиши унинг самарали фаолият юритаётгани, Ўзбекистоннинг бутун банк-молия тизими барқарор ривожланаётганининг натижасидир.

Мулукотда таъкидландики, Ислом конференцияси ташкилоти ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом муассасаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши мамлакатимиз заминда етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Ба-

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САУДИЯ АРАБИСТОН ПОДШОҲЛИГИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҲИШЛАБ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТУРИСТИК ВА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

АР-РИЁДДА ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҲИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбирда Саудия Савдо-саноат палатаси, Туризм бўйича Бош раёсат ва Инвестициялар Бош агентлиги маъсул ходимлари, бир қатор сайёҳлик компаниялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчиларига республикамизнинг инвестицион ва сайёҳлик салоҳияти, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда устувор иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларга хорижий сармояларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгилангани ҳусусида маълумот берилди. Шунингдек, истиқлол йилларида мамлакат раҳбарияти томонидан халқимиз бой илмий-амалий меросини ўрганиш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, хусусан, 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, 2006 йилда Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ҳамда 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари халқаро миқёсда кенг нишонлангани айтиб ўтилди.

Мулоқотда таъкидландики, Ислом конференцияси ташкилоти ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом муассасаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши мамлакатимиз заминда етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Ба-

хоудин Накшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк даҳоларнинг нафақат ислом цивилизацияси, балки жаҳон илм-фани ривожига қўшган муносиб ҳиссаларининг эътирофини аналтади. Шу билан бирга, мамлакат раҳбариятининг тарихий-маданият ёдгорликларини қайта тиклаш, ўрганиш, тарғиб қилиш, авайлаб-асраш ва келажак авлодга етказиш борасидаги сиёсатига берилган юқори баҳо ҳамдир.

2007 йил 2 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва байрам тантаналарида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши тўғрисидаги қарори Марказий Осиёдаги энг қадимий ва йирик шаҳарлардан бири бўлган Тошкентнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси халқаро миқёсда яна бир бор эътироф этилганга далил ҳисобланади.

Анжуман иштирокчилари Тошкент шаҳри республикамизнинг илмий-маданият маркази бўлиши билан бирга ривожланган саноат шаҳри ҳам ҳисобланиши, ундаги самолётсозлик, кабель, пластмасса ва трактор ишлаб чиқариш корхоналари ўзининг имкониятлари билан хорижда ҳам машҳур.

Давра суҳбати иштирокчиларига «Тошкент: мазий ва ҳозирги замон уйғунлиги» мақоласи ҳамда республикамизнинг инвестицион иқлими ва туризм салоҳиятига доир «Ўзбекистон дурдоналари» (араб тилида), «Welcome to Uzbekistan», «Investment climate & investment opportunities of the Republic of Uzbekistan» видеофильмлари нусхалари тақдим этилди.

«Жаҳон» АА, Ар-Риёд

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ КЕНГ МИҚЁСДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Фуқаролар йиғинларига сайлов

Кўпчилик хоҳиши-иродасига кўра

Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласидаги сайловлар ҳам фуқаролар фаоллигида, уюшқоқлик билан ўтиши орқали ажралиб турди.

Оқсоқоллик вазифасига амалдаги фуқаролар йиғини раиси Турғун Қодиров ҳамда маҳалла фаолларидан Ёқуб Носировнинг номзоди кўрсатилди.

Ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бундай тадбирларда фуқароларнинг фаоллиги тобора ортиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-модда)

«Ёшлар йили» Давлат дастурида навқирон авлоднинг истеъдодини юзага чиқаришда яқиндан кўмаклашиш, ўғил-қизларнинг иқтидорини кенг намойён этиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган Болалар ижодиёти уйи ана шундай муассасалардан биридир.

Бу ерда ўқувчиларнинг ўз иқтидорини намойён этиши учун барча шароит яратилган.

корлиги, радиоэлектроника, миллий каштачилик, хореография, компьютер саводхонлиги, хорижий тилларни ўрганиш каби тўғарақларга шахримиз ва пойтахт вилояти туманларидан салкам икки ярим минг нафарга яқин ўқувчи қатнашмоқда.

Ушбу маскан ўқувчилари турли мусобақа ва кўрик-танловларда ўз билими ва маҳоратини муносиб намойён этмоқда.

– Тўғрақларимиз бевосита кўлаб мактабларда ҳам фаолият кўрсатади, – дейди Болалар ижодиёти уйи раҳ-

бари Носир Файзиев. – Айниқса, шахмат, тасвирий санъат, радиоэлектроника, шарқ миниатюра санъати, мусиқа, рақс тўғарақларига ўқувчи-ёшларнинг қизиқиши катта.

Болалар ижодиёти уйида ташкил этилган галереяда тасвирий ва амалий санъат тўғараги аъзолари ижодига бағишланган кўргазмалар, «Конституция – бахтимиз пойдевори», «Асрга татигули йиллар», «Тилга эътибор – элга эътибор», «Соғлом фарзанд – юрт келажаги» мавзусидаги кўрик-танловлар, викториналар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида ижодий анжуманларни ўтказиш яхши анъанага айланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам фаолият кўрсатаётган бундай ижодиёт масканлари навқирон авлод қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилаётди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЎЗ КЎЛИДА

БУТҲУН ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, БУГҲУН КҲУНДА ДУНЁ БЎЙИЧА 200 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ОДАМ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Унда қандли диабет билан касалланган бемор болалар ва ўқувчилар учун хайрия акцияси ташкил этилди.

Тадбирда тиббиёт ходимлари томонидан касалликнинг хавфли жиҳатлари, инсонларнинг ўз соғлиқларига бефарқлиги оқибатида мазкур касалликнинг кўпайиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди.

– Қизим 11 ёшда. Ушбу касалликка чалинганга тўрт йил бўлди, – дейди Ҳабиба Усмонова. – Ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизга берилмаётган эътибордан миннатдоримиз. Айниқса, мазкур жамғарма кўмағида ўтказиб борилаётган турли тадбирлар болаларимизнинг кайфияти, руҳини кўтариб, уларни хайрга бўлган ишончларини янада орттиришга мадад бўлаётди.

Тадбирда ҳозирги кунда тиббиётнинг янада ривож топётганлиги алоҳида таъкидланди, оддий, беозор аммо, асорати ўта ёмон оқибатларни келтириб чиқарувчи бу касаллик бўлган тиббиёт ҳамда дунё жамоатчилиги эътиборида бўлаётгани қайд этилди.

Айни пайтда дунёда «қандли диабет иқтисодий» ибораси пайдо бўлди. Давлатлар бюджетлари ассосий қисми қимматли инсулин ва қанд микдорини камайтирувчи дори воситаларига эмас, балки айнан қандли диабет асоратларини даволашга сарфланмоқда.

Энг муҳим вазифа – қандли диабетга чалинган беморларда, айниқса, болаларда ушбу касаллик асоратларининг олдини олишга, умрни узайтиришга ҳамда ўсмирларнинг тўлақонли ривожланишига шароит яратишдир.

Анжуманда иштирокчилар томонидан ушбу касалликка чалинган беморларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тавсиялар билдирилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Тиббиёт АЛЛЕРГОЛОГИЯ ХИЗМАТИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

«РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН АЛЛЕРГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унда республика аллергология хизмати янада яхшилаш тадбирлари қўрилди. Республика илмий конкуйш институтида уни бойитиш дастури доирасида кенг қўламли изланишлар олиб боришмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Семинар дастурида симсиз алоқа тизимидаги энг янги технологиялар кўриб чиқилмоқда, уларни амалиётга жорий этиш жараёнини таҳлил қилиш, таҳриба алмашиш, вакиллари семинарда иштирок этаётган мамлакатларда мавжуд эҳтиёжларни аниқлаш назарда тутилмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Ш.Содиқовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан энг янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

СИМСИЗ ТИЗИМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «СИМСИЗ ТИЗИМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТЕХНИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ. ТАДБИРНИ ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ИТТИФОҚИ («ITU») АЛОҚА СОҲАСИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМЖАМИЯТ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН, РОССИЯ, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ОЗАРБЕЙЖОН, МОЛДОВА, ТУРКИЯ ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАРДАН ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Истиқлол йилларида мазкур соҳа муҳим инвестициялар ёрдамида жадал ривожлантирилди, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишда унинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёда иккинчи тўлқин WIMAX мобил технологияси ўзлаштирилаётган илк мамлакатлардан бирига айланди.

фойдаланувчилар сони эса ҳозирги кунда 2 миллион 200 минг нафардан ортиди.

Ушбу компаниялар иштирокида пойтахтимизда EVO савдо белгиси остида хизмат кўрсатаётган «Super iMax» компанияси ташкил этилди.

компаниялари етакчи мутахассисларининг сўнгги ишланмаларига асосланган бугунги кундаги энг илғор телекоммуникация технологияси ҳисобланади.

Семинар иштирокчилари ахборот ресурсларининг ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлаш, одамлар қаерда бўлишдан қатъи назар, шаклланаётган ахборот жамияти ва глобал иқти-

содиётнинг иштирокчиларига айланиши, уларнинг афзалликларидан фойдаланишга кўмаклашиш зарурлигини таъкидладилар.

Тадбир қатнашчиларининг «Маълумотлар узатиш бўйича симсиз тармоқлардан фойдаланишнинг тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари», «Радиодан фойдаланиш тизимининг эволюцияси», «Йўлдош алоқа ва эшитириш тизимлари», «МДХ мамлакатларида симсиз фойдаланиш тизимларини жорий этиш таҳриба-си», «Телекоммуникацияларда энергия тежайди-ра технологиялар – сизнинг ҳамкорингиз» мавзусидаги ва бошқа мавзулардаги ҳам ушбу долзарб вазифани ҳал этишга қаратилди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ БОШҚА СОҲАЛАР ҚАТОРИ НОШИРЛИК ВА МАТБООЧИЛИК СОҲАСИДА ҲАМ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ЖУМЛАДАН МАТБОО МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ, ЯРАТИЛАЁТГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ВА ДАРСЛИКЛАРИНИНГ САВИЯСИНИ КЎТАРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Ёшлар — келажагимиз ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ҳар йили умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларнинг иқтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, кеча Республика ўқувчилар саройида «2009-2010 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услувий қўлланмалар» мавзусида иқтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда халқ таълими вазири Ф.Шомаев, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Ў.Жўраев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайидов билан қанча таълим соҳасининг вакиллари ҳамда нашриётлар раҳбарлари сўзга чиқиб жумладан мазкур кўргазмадан кўзланган ассосий мақсад, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида мутахассис-педагогларнинг фикрларини ўрганиш, янги йўлга қўй этилаётган дарсликлар ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Мазкур кўргазма-ярмаркага бағишланган тадбирини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ф.Шомаев бошлаган. Унинг маърузасида «Ўзбекистон Республикасида 2008-2009 ўқув йили учун

248 номда дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилган бўлса, 2009-2010 йили учун 368 номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп этилиши режалаштирилганлиги эътиборга лойиқдир.

Учинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмадан, республикамизнинг кўзга кўринган нашриётлари томонидан чоп этилган ўқув дарсликлари, ҳуқуқий, сиёсий, бадиий адабиётлар ва плакатлар ўрин олди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Киш тайёргарликни ёқтиради ТАРАДДУА САМАРАСИНИ БЕРАДИ

КУЗ ФАСЛИ ОХИРЛАБ ЎРНИНИ ҚИШГА БЎШАТИШИГА ҲАМ САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. ҲАР БИР ФАСЛНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ХИСЛАТУ ФАЗИЛИТИ БОР, АЛБАТТА. ШУ БОИС ҲАМ ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА «ЕЗ ЁПИНЧИГИНИ ТАШЛАМА, ҚИШ ЎЗИНГ БИЛАСАН», «ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е» ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛАР БОР. ШУБҲАСИЗ, ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ. АНА ШУ ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА БЎЛСА, КЎЗЛАНГАН РЕЖАЛАР ҲАМ КЎНГИЛДАГИДЕК АМАЛГА ОШАДИ.

Маълумки, 2008 йил 29 майда Республика Президенти «Республиканинг иқтисодий соҳаларини 2008/2009 йиллар куз-қиш мавсумида мустақим ишлашига тайёргарлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар қандай ишларни амалга ошириши? Республика халқ хўжалиги тармоқларининг куз ва қиш мавсумига тарраддуи қай аҳволда?

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган «Республика халқ хўжалиги тармоқларининг 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлиги тўғрисида» деб номланган матбуот анжуманида юқоридаги саволларга батафсил жавоблар топилди.

Тадбирда сўз олган «Ўзкоммунхозмат» агентлиги бош директори Ўткир Холмухамедов, «Узтрансгаз» ағилдорлик компанияси бош директори Иркин Вагапов, «Ўзбекнеғро» Давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ботир Тешабоев, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Раҳмонбек Усмоновлар юқоридаги масалалар бўйича шу кунгача бажарилган ишлар юзасидан алоҳида тўхталиб ўтилди.

қура шаҳар хўжалигини куз-қиш даврига тайёрлаш юмушлари режа асосида амалга оширилди.

– Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ишлари қўламини кенгайтиришда Президентимизнинг жорий йил 12 июндаги «Қишлоқ ва шаҳар аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни келажакда яхшилаш ва табиий газдан теҳамкорлик билан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлмоқда, – дейди «Ўзкоммунхозмат» агентлиги бош директори Ўткир Холмухамедов.

– Мазкур муҳим ҳужжат асосида республикамизнинг барча вилоятлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш дастури тасдиқланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, пойтахтимизда ҳам Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 26 мартдаги 165-қарорига

си Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан умумий қиймати 995 миллион АҚШ долларини ташкил этган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган 33 та лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Тадбирда республика энергетика тизимини мавсумга тайёрлаш бўйича ассосий ишлар туғатилиб, чора-тадбирларни амалга ошириш учун 100 миллиард сўм микдорда маблағ сарфланганлиги айтиб ўтилади.

Матбуот анжуманида мутасаддилар билан ўзаро мулоқотлар, савол-жавоблар ҳам қизгин кечди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар оғвиндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган хайвонлар: усури йулбарслар, кўнғир айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, хаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масқарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

Томошлар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Маълумотлар ҳамда жамовий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

«Шайхонтоҳур Автотўхтов Инвест» шўъба корхонасининг «Шайхонтоҳур Инвест» давлат унитар корхонасига қўшилиши муносабати билан корхона фаолиятига тегишли барча масалалар ва давволар бўйича эълон қилган кундан бошлаб бир ой давомида унинг вориси «Шайхонтоҳур Инвест» давлат унитар корхонасига мувожаат қилинсин. Тел: 241-24-24.

Шарифа ИЛЁСОВА

Техник ва технология таракқиёт

РАҚАМЛИ ТЕЛЕКУРСАТВАРЛАРНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВ ХУДУДИ

БУГУНГИ КУНДА ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КЕСКИН РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ИНСОН ҲАЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР. ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ, МОБИЛЬ АЛОҚА, КОММУНИКАЦИЯНИНГ СИМСИЗ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЗИРГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ.

Шуни айтиш лозимки, рақамли технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникацияларнинг жадаллик билан ривожланиб бориши телеэшиттиришларнинг янада сифатли янги даражасига ўлиши, ер усти рақамли телекурсатварлари эфирга узатиш имконини яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мамлакатимизда ер усти рақамли телекурсатварлари эфирга узатиш бўйича босқичма-босқич иш олиб бормоқда. Агентлик ҳозирда Тошкент ва Бухоро шаҳрида ер усти рақамли телевизион курсатварларнинг тажриба-синов ҳудудини ташкил этишга киришди. Бундан қўзланган асосий мақсад кўп дастурли телевидение хизматини тақдим этиш, теледастурларни намойиш қилиш бўйича хизматлар сифат кўрсаткичинини ошириш ва қўшимча интернет хизматларни етказиб бериш учун шарт-шароитлар яратишдир.

Таъкидлаш ўринлики, эндиликда телевидениеда видеотасвирларни юқори даражада аниқликда узатиш имконияти яратилмоқда.

Рақамли телекурсатув яна шуни билан эътиборлики, у мамлакатнинг частота ресурсидан муваффақиятли

фойдаланиш учун имкон беради. Бу бир муқобил телеканал ўрнига бир нечта рақамлисини шакллантириш ҳамда эфирга узатиш дегандир.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги ер усти муқобил телеэшиттиришлардан DVB-T (Digital Video Broadcasting) стандартдаги ер усти рақамли телеэшиттиришлар тизимига ўтмоқда. Ушбу тизим Европадаги етакчи компаниялар гуруҳи томонидан яратилгандир.

Жорий йилнинг 22 августида Тошкент телеинфорасида рақамли телекурсатварларнинг пойтахтимиздаги тажриба доирасини MPEG-4 стандартидаги рақамли форматда узатиш бўйича тақдими то бўлиб ўтди. Агентлигининг техник ўқув марказида Япониянинг «NEC» компанияси мутахассислари раҳбарлигида рақамли телеэшиттириш ҳамда рақамли телеузатиш ускуналаридан фойдаланиш бўйича 50 нафардан ортиқ соҳа мутахассислари ўқитилиб, уларга сертификатлар топширилди. Шунингдек, Бухорода «Роде Шварц» компанияси вақиллари ҳам 30 нафар мутахассислар учун ўқув курсларини ташкил этди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўтган йилда рақамли телекурсатув ус-

куналарини етказиб берувчиларни танлаш бўйича тендер ўтказилган эди. Унда Япониянинг юқорида айтиб ўтилган машур «NEG» компаниясига ускуналар ўрнатган «INVERSON TECHNOLOGIES SA» ва Германиянинг «Роде Шварц» компаниясига ускуналар ўрнатган «Курт Миттерфельнер ГмбХ» компаниялари ўртасида шартномалар тузилди. Шулар жумласидан, Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ҳам ер усти рақамли телекурсатув узатиш бўйича ишлар амалга оширилди. Абонентлар фойдаланувчи шартли тизим, яъни ТВ каналларини шифрлаш IREDO то компанияси томонидан тақдим этилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ўтказилган брифингда бу борадаги ишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Таъкидда алоқа соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда эса юқоридаги тажриба-синов ҳудудларида режа асосида белгиланган ишлар амалга оширилмоқда ва албатта у қўзланган мақсадга эришишда самара беради.

(Ўз мухбиримиз)

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ТАНИҚЛИ АДИБ, БОБУРУНОС ОЛИМ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМУҚУЛ ҚОДИРОВНИНГ САКСОН БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН АДАБИЙ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда П. Қодиров, унинг яқинлари, шоғирдлари, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, адабиётшунослар Тўра Мирзаев, Абдулла Ўзгир, Абдуғофур Расуллов ҳамда ижодкор мухлислари иштирок этди. Пиримқул Қодиров ижодкор сифатида катта муваффақиятларга эришиб, эл суйган ёзувчи бўлди. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Ижодкорнинг «Юдузли тунлар», «Хумоюн ва Акбар», «Она лочин видоси» каби Бобур ва унинг авлодларига бағишланган тарихий асарлари ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб жой олди. Ёзувчи кескалик даражидан ҳам асарлар яратди, жумладан «Тил ва эл» да у ўзбек тилининг тарихий бойлигини, унда сўз санъати кучли эканлигини исботлади. — Пиримқул Қодиров нафақат ижодкор, балки етук олим ҳамдир, унинг асарлари бугун жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва севилиб ўқилади, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. — Ижодкорнинг Бобурийлар авлодига бағишлаб ёзилган асарлари Бобур ва унинг авлодларини кайтадан кашф этгандек бўлди гўё. Устоз яратган асарлар ўзбек адабиётининг катта ютуғи бўлиб қолди.

Тадбирда Пиримқул Қодиров ижоди, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида атрофли маълумот берилди Сўзга чиққанлар ёзувчи ижодига янада муваффақият тилаб, унинг асарлари ўзбек адабиётини таъкидлашди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

“Саламон ва Абсол”дан

(Олимжон Бўриев таржимаси) Ноҳақдан бировга қилмагин жабр, Ҳар ишда шошмасдан айлагин сабр.

Сурувга етади доимо офат, Ёвуз ит бўрига дўст бўлса фақат.

Элу юртга қилгин ўзингни фидо, Сендан шафқат кўрсин мискинни гадо. Золимлар қаҳридан асрагин омон, Ҳар кўнгли яримга бағишла эҳсон.

“Баҳористон”дан

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси) Кибрсизлик лофин урма, уни кўрмоқдан кўра

Коронгу тун чумолининг изин кўрмак осонроқ, Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,

Игна билан тоғни қазиб, остин-устун кўпормоқ.

Чин дўст ул — дўстлиги ошаверса гар Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам. Бошига минг жафо тоши ёғилса, Мохр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам.

Икки нарса мардоналик бўлур бил, Сенга айтаиб берай бир-бир кулоқ сол, Бирни бўлким, кечира бил дўстларинг Хатолари бўлса ҳамки, кўп кўпол, Иккинчиси узрли иш қилма ҳеч Мард кишига узр сўраш кўп маҳол.

Яхшиликлар бир хонага жам, Камтарликлар унинг қалити. Ёмонликлар бошқа хонада Ўни очар манманлик ити.

Ўткунчи нарсдан кўнгли уза ол, Абадлик тадбири билан бирга қол. Нимани билолсанг билишга интил, Сўнгра биланларинг бир-бир ишга сол.

Бир яхши сўзим бор, кулоқ сол, э дил, Қолмиш донолардан мерос ўлароқ. Ким тортса адоват қиличин қиндан, Адлат тигидан бўлади ҳалок.

Замон саҳифалари — инсон умрин дафтери Шундайин сўзини демиш уйга толган бир доно: Кимки бу пок китобда яхши ишлари билан

Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло.

Бойликдан кериқмоқ — ақлдан нари, Чунки у ўткинчи булут сингари, Ўткинчи булутда жавҳар бўлсада, Субутига йўқдир ақлинг бовари.

Эй ўғил, душманларингдан ёширин бўлса сиринг, Яхшиси дўстлар аро ҳам сўзлама қолсин ниҳон. Бу фалак каж айлиниб душман киши дўст бўлганин, Дўст душман бўлганин ҳам кўрганам бор кўп замон.

Энг зарур билимни кунт билан ўрган, Зарур бўлмаганин ахтариб юрма. Зарурини ҳосил қилгандан кейин, Унга амал қилмай умр ўткурма.

Касал сабабидан саклан аввало, Табидан етмагач кўпол сўз бўло. Ортиб тўйиб кетмай емакдан тийил, Очикмай таомга қўл урма асло.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



ДУШАНБА, 17

«Ўзбекистон»

05.55 Курсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Йилдам» 07.05 ТВ — анонс. 07.10 «Емгир симфонияси». Т/с. 07.45 «Дилчуш наволар». 08.00 «Ҳақиқатнома». 08.45 ТВ — анонс. 08.50 «Олтин мерос». 08.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 09.45 «Ихбор». 09.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Купол мейхона». 010.15 ТВ — анонс. «Боллар сайраси»: 10.20 «Боллар дунёси». 10.40 «Ака-ука Гримм арткалари». М/с. 11.00 «Ахборот». 11.10 ТВ — анонс. 11.15 «Эски альбом». 11.20 «Ватанлар». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.05 «Йилдам». 12.25 «Чинор остидаги дуэль». Б/ф. 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ — анонс. 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қадри». 15.05 «Олтин мерос». 15.10 Миллий сериал: «Гулхан атрофидагилар». 15.15 «Қиёмат». 16.00 «Шукрона». 17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ — анонс. 17.15 «Олтин мерос». 17.20 «Хавт ва қонун». «Боллар сайраси»: 17.40 «Эрталаб — яшилликка етаклар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 18.45 «Бир кун». 19.10 ТВ — шифокор». 19.15 «Санапар оғзини». 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар. 19.30 «Ахборот». Т/с. 20.00 ТВ — анонс. 20.05 «Хавт синовлари». Т/с. 20.45 «Олтин мерос». 20.50 ТВ — анонс. 21.00 «Ахборот». 21.30 «Парламент вақтин». 21.50 «Елга қуш». Т/с. Премьера (Корв). 22.55 «Йилдам». 23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/. 23.10 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с. 23.45-23.55 Тунги наволар. «Uzbekistan». 23.55 Курсатувлар дастури. 24.00 Миллий сериал: «Гулхан атрофидагилар». 00.40 «Кузи боғ». 01.00 «Ватанлар». 01.10 «Бир кун». 02.35 «Чемпион». 02.55 «Чинор остидаги дуэль». Б/ф. 04.00 «Ахборот». 04.30 ТВ — анонс. 04.35 «Олтин мерос». 04.45 «Минг бир ривоят». 04.50 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 05.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина». 05.45-05.55 Тонгги наволар.

«Спорт»

Телеомошабабат дилжити! Профилатиза мусабати билан, 17 ноябрь кун «Спорт» телеканалида уз курсатувларини 18.00дан бошлади.

18.00 «Тет-а-тет». 18.10 «Спортимиз малаикалари». 18.30 «Хабарлар» (рус тил). 18.50 «Футбол шаҳри». 19.10 «Азия лото». 19.45 Фигурное катание. Гран-при. 20.40 «Бизнес-рево». 20.50 «Монтекристо». Сериал. 21.30 «Хабарлар» (узб тил). 21.50 Футбол. Италия чемпионати. «Рома» — «Лацио». 22.25 «Каникули любви». Художественный фильм. 00.50 «Тунгиғиз осуда бўлин!»

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.40, 3.00 «Новости». 9.25 «Малахов +». 10.25 «Милый приговор». 11.25 «Контрольная закупка». 12.25 «Убойная сила». Сериал. 13.25 «Детективы». 14.25 Понять. Простить. 14.55 «Хавт синовлари». Сериал. 16.10 «Давлай покенимоё!». 17.00 «Федеральный судья». 18.15 «Жан мени». 18.30 «Слад». 19.55 «Монтекристо». Сериал. 21.00 Время. 21.30 «Синие ночи». Сериал. 22.35 «Привет от Коби». 23.35 «Ганзор». 00.55 Теория вероятности. 1.45, 3.05 Трилл «Вампирша». 3.30 Х/ф «Мутация».

«Россия»

5.00 Доброе утро, Россия! 8.55 Х/ф «Генерал». 10.45, 17.50, 14.45 Вести. Дежурная часть. 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.20, 17.25, 20.35 Вести-Москва. 11.50 «Катерок». «Однажды утром». М/ф. 12.10 Х/ф «Молодые». 12.30 «Хавт синовлари». Сериал. 13.30 Сериал «Кулагин и партнеры». 16.30 «Синие ночи». 18.05 «Женщина без прошлого». Сериал. 19.00 «Родные люди». Сериал. 20.50 Спокойной ночи, малыши! 21.00 Сериал «Жизнь, которой не было». 22.50 «4.20 «Городок». 23.50 Вести +. 01.00 «Честный детектив». 02.00 Симпозиум. 1.10 Дорожный патруль за 80 дней». 6.00 «Сегодня утром». 8.50 Лотерея «Гослото». 9.00 Следствие велит. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня. 10.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 11.00 «Кумирный поездик». 11.55 Квадратный вопрос. 13.30 Х/ф «Мертвые души». 15.30, 18.50 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 16.30, 3.25 «Возвращения Мухтара». 19.40 Боевик «Последний «Альбанец». 21, 40 И снова здравствуйте! 22.40 Безумный день. 23.00 Сериал «Проклятый рай-2». 00.20 «Школа злоумышленников». 1.10 Футбольная ночь. 1.45 Сериал «Доказательства». 2.20 Сериал «Детектив Раш-4». 5.10 Сериал «2.5 человека».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 8.50 Лотерея «Гослото». 9.00 Следствие велит. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня. 10.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 11.00 «Кумирный поездик». 11.55 Квадратный вопрос. 13.30 Х/ф «Мертвые души». 15.30, 18.50 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 16.30, 3.25 «Возвращения Мухтара». 19.40 Боевик «Последний «Альбанец». 21, 40 И снова здравствуйте! 22.40 Безумный день. 23.00 Сериал «Проклятый рай-2». 00.20 «Школа злоумышленников». 1.10 Футбольная ночь. 1.45 Сериал «Доказательства». 2.20 Сериал «Детектив Раш-4». 5.10 Сериал «2.5 человека».

«СТС»

8.00 «Зена — королева воинов». Сериал. 8.55, 15.00 «Смешарики». М/с. 9.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с. 9.30, 19.00 Сериал «Палины дочки». 10.00, 22.00 «Рыжая». Сериал. 11.00, 23.00 «Мерцающий индийец». 11.30 Сериал «Кто в доме хозяйин?». 13.00, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня». 14.00, 19.30, 5.15 «Не может быть!». 15.30 «Звездные врата». М/с. 16.00 «Трансформеры. Кибертрон». М/с. 16.30 «Приключения Вуди и его друзей». М/с. 17.00 «Скуби и Скрэпни». М/с. 17.30 «Клуб Винкс — Школа волшебниц». М/с. 18.00 «Ханна Монтана». Сериал. 18.30 «Галилео». 18.50 «Ракетки». Сериал. 23.58 Скажи! 00.00 Сериал «Человек-метеор». 1.30 «45 кадров». Сериал. 2.30 «Кино в деталях». 3.30 «Моя команда». Сериал. 6.15 Музыка на СТС.

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильмы. 9.00 М/ф «Мир Бобби». 9.30 М/ф «Мир Бобби». 9.30 М/ф «Мир Бобби». 10.00 М/ф «Мир Бобби». 10.30 М/ф «Мир Бобби». 11.00, 17.00 Сериал «Ангел». 12.00 Д/ф «Исторический детектив: Врачебная тайна». 13.00 Д/ф «Исторический детектив: Дело Колдвинга». 14.00 Сериал «Удивительные истории». 15.00, 19.00 Сериал «Звездный корабль Галактики». 16.00 Д/ф «Городские легенды. Тайный код Лужников». 18.00 Сериал «Город призраков». 20.00, 3.00 Сериал «Охотники за чужими деньгами». 21.00 Сериал «Говорящая с призраками даму». 22.00 Д/ф «Тайные знаки. Обреченные на бесмертие». 23.00 Сериал «Черный ворон».

СЕШАНБА, 18

«Ўзбекистон»

05.55 Курсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Йилдам». 07.05 ТВ — анонс. 07.10 «Емгир симфонияси». Т/с. 07.45 «Дилчуш наволар». 08.00 «Ҳақиқатнома». 08.45 ТВ — анонс. 08.50 «Олтин мерос». 08.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 09.45 «Ихбор». 09.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чортоқ». «Боллар сайраси»: 10.20 «Боллар дунёси». 10.40 «Ака-ука Гримм арткалари». М/с. 11.00 «Ахборот». 11.10 ТВ — анонс. 11.15 «Эски альбом». 11.20 «Ватанлар». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.05 «Йилдам». 12.25 «Чинор остидаги дуэль». Б/ф. 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ — анонс. 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қадри». 15.05 «Олтин мерос». 15.10 Миллий сериал: «Гулхан атрофидагилар». 15.15 «Қиёмат». 16.00 «Шукрона». 17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ — анонс. 17.15 «Олтин мерос». 17.20 «Хавт ва қонун». «Боллар сайраси»: 17.40 «Эрталаб — яшилликка етаклар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 18.45 «Бир кун». 19.10 ТВ — шифокор». 19.15 «Санапар оғзини». 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар. 19.30 «Ахборот». Т/с. 20.00 ТВ — анонс. 20.05 «Хавт синовлари». Т/с. 20.45 «Олтин мерос». 20.50 ТВ — анонс. 21.00 «Ахборот». 21.30 «Парламент вақтин». 21.50 «Елга қуш». Т/с. Премьера (Корв). 22.55 «Йилдам». 23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/. 23.10 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с. 23.45-23.55 Тунги наволар. «Uzbekistan». 23.55 Курсатувлар дастури. 24.00 Миллий сериал: «Гулхан атрофидагилар». 00.40 «Кузи боғ». 01.00 «Ватанлар». 01.10 «Бир кун». 02.35 «Чемпион». 02.55 «Чинор остидаги дуэль». Б/ф. 04.00 «Ахборот». 04.30 ТВ — анонс. 04.35 «Олтин мерос». 04.45 «Минг бир ривоят». 04.50 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 05.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина». 05.45-05.55 Тонгги наволар.

«Спорт»

00.00 Д/ф «Роковой круиз. Тайна катастрофы на Волге». 1.00 Х/ф «Игла-4». 4.00 «Мозголом». 5.00 Х/ф «Лес-призрак: Путь Самурая». 7.00 Релакс.

«Россия»

5.00 Доброе утро, Россия! 8.55 Х/ф «Генерал». 10.45, 17.50, 14.45 Вести. Дежурная часть. 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.20, 17.25, 20.35 Вести-Москва. 11.50 «Катерок». «Однажды утром». М/ф. 12.10 Х/ф «Молодые». 12.30 «Хавт синовлари». Сериал. 13.30 Сериал «Кулагин и партнеры». 16.30 «Синие ночи». 18.05 «Женщина без прошлого». Сериал. 19.00 «Родные люди». Сериал. 20.50 Спокойной ночи, малыши! 21.00 Сериал «Жизнь, которой не было». 22.50 «4.20 «Городок». 23.50 Вести +. 01.00 «Честный детектив». 02.00 Симпозиум. 1.10 Дорожный патруль за 80 дней». 6.00 «Сегодня утром». 8.50 Лотерея «Гослото». 9.00 Следствие велит. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня. 10.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 11.00 «Кумирный поездик». 11.55 Квадратный вопрос. 13.30 Х/ф «Мертвые души». 15.30, 18.50 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 16.30, 3.25 «Возвращения Мухтара». 19.40 Боевик «Последний «Альбанец». 21, 40 И снова здравствуйте! 22.40 Безумный день. 23.00 Сериал «Проклятый рай-2». 00.20 «Школа злоумышленников». 1.10 Футбольная ночь. 1.45 Сериал «Доказательства». 2.20 Сериал «Детектив Раш-4». 5.10 Сериал «2.5 человека».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 8.50 Лотерея «Гослото». 9.00 Следствие велит. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня. 10.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 11.00 «Кумирный поездик». 11.55 Квадратный вопрос. 13.30 Х/ф «Мертвые души». 15.30, 18.50 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 16.30, 3.25 «Возвращения Мухтара». 19.40 Боевик «Последний «Альбанец». 21, 40 И снова здравствуйте! 22.40 Безумный день. 23.00 Сериал «Проклятый рай-2». 00.20 «Школа злоумышленников». 1.10 Футбольная ночь. 1.45 Сериал «Доказательства». 2.20 Сериал «Детектив Раш-4». 5.10 Сериал «2.5 человека».

«СТС»

8.00 «Зена — королева воинов». Сериал. 8.55, 15.00 «Смешарики». М/с. 9.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с. 9.30, 19.00 Сериал «Палины дочки». 10.00, 22.00 «Рыжая». Сериал. 11.00, 23.00 «Мерцающий индийец». 11.30 Сериал «Кто в доме хозяйин?». 13.00, 21.00 Сериал «Моя прекрасная няня». 14.00, 19.30, 5.15 «Не может быть!». 15.30 «Звездные врата». М/с. 16.00 «Трансформеры. Кибертрон». М/с. 16.30 «Приключения Вуди и его друзей». М/с. 17.00 «Скуби и Скрэпни». М/с. 17.30 «Клуб Винкс — Школа волшебниц». М/с. 18.00 «Ханна Монтана». Сериал. 18.30 «Галилео». 18.50 «Ракетки». Сериал. 23.58 Скажи! 00.00 Сериал «Человек-метеор». 1.30 «45 кадров». Сериал. 2.30 «Кино в деталях». 3.30 «Моя команда». Сериал. 6.15 Музыка на СТС.

«ТВ-3»

8.00, 10.30 Мультфильмы. 9.00 М/ф «Мир Бобби». 9.30 М/ф «Мир Бобби». 9.30 М/ф «Мир Бобби». 10.00 М/ф «Мир Бобби». 10.30 М/ф «Мир Бобби». 11.00, 17.00 Сериал «Ангел». 12.00 Д/ф «Исторический детектив: Врачебная тайна». 13.00 Д/ф «Исторический детектив: Дело Колдвинга». 14.00 Сериал «Удивительные истории». 15.00, 19.00 Сериал «Звездный корабль Галактики». 16.00 Д/ф «Городские легенды. Тайный код Лужников». 18.00 Сериал «Город призраков». 20.00, 3.00 Сериал «Охотники за чужими деньгами». 21.00 Сериал «Говорящая с призраками даму». 22.00 Д/ф «Тайные знаки. Обреченные на бесмертие». 23.00 Сериал «Черный ворон».

«Спорт»

00.00 Д/ф «Роковой круиз. Тайна катастрофы на Волге». 1.00 Х/ф «Игла-4». 4.00 «Мозголом». 5.00 Х/ф «Лес-призрак: Путь Самурая». 7.00 Релакс.

«Ўзбекистон»

05.55 Курсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Йилдам». 07.05 ТВ — анонс. 07.10 «Емгир симфонияси». Т/с. 07.45 «Дилчуш наволар». 08.00 «Ҳақиқатнома». 08.45 ТВ — анонс. 08.50 «Олтин мерос». 08.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида». 09.45 «Ихбор». 09.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чортоқ

